


# БУТУН КУЧ—ПАХТА ТЕРИМИГА

●ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОВЕВ НОМЛИ, ОҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗЛАРНИНГ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ МАШИНАЛАРДА КУНИГА 6 ПРОЦЕНТДАН ПАХТА ТЕРМОҚДАЛАР ● МАШИНА ТЕРИМИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШАЙЛИК!



МАШИНАДА пахта териш Янгйўл районидаги «Интернационал» колхозида ҳам қизғин бошлаб юборилди. Бу хўжаликда сифатли терилган пахталарни қабул пунктларига пешма-пеш етказиб бериш намунали ташкил этилган. Суратларда: (чап-дан): звено бошлиғи ўртоқ Турғун Турлибеков, Машинада пахта териш пайти. Терилган дурдоналар тайёрлов пунктига жўнатилган ухун прицепга ортилмоқда. А. АВАЛАН ФОТОЛАРИ.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 йил чиқиши  
№ 194 (4185)  
1  
ОКТАБРЬ  
ЧОРШАНБА  
1969 йил  
Баҳоси 2 тийин

## ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Янгида колхозимиз аъзолари қишлоқ хўжалик артели Уста-ви лойиҳасини муҳокама қилиш-га йиғилдилар. Йиғилишда колхоз тузумидан олдин деҳқонлар қандай аялчи ҳаёт кечирган-лари, колхоз тузумининг дастлаб-ини йилларидаги аҳволи туғ-рисида кексаларимиздан Бегим-кул ота Арслонов, Хўжамқели ота Дубековлар ёшларга бир-ма-бир сўзлаб бердилар. Колхоз туфайли камбағал деҳқонлар ёруғ жаҳонга чиқди, қар-қим-матли инсон бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, колхоз туфайли ўз ўрнини топиш, чин инсонлиқ ҳуқуқига эга бўлган деҳқонлар Ленин партияси раҳбарлигида, Совет ҳукумати раҳбарлигида қишлоқларда муъжизалар яратилди. Шу туфайли қиш-лоқ билан шаҳар ўртасидаги та-фовитлар йўқолиб борапти. Ша-ҳар типига қурилган уй-жойлар сопи йилдан йилга кўпаймоқда. Биргина бизнинг колхозда ке-йинги 2—3 йил ичида колхоз йўли билан 48 та янги уй ку-рилиб колхозчиларга топшири-лди. Шу давр ичида 250 колхоз-чи янги уйлар куриб кўчаб ки-рдилар. 70 процент колхозчи уй-га газ қиртилди.

Илгарини майда 7 қишлоқ ўрнида ҳозир иккита кўрак, планли қишлоқ барпо этиляпти. Қирда 180 хонадон, пастда 400 хонадон турадиган қишлоқлар-да бир қатор уй-жойлар кури-либ бўлди. Қишлоқ йўллари ас-фальтланди.

Бу колхозимизда ҳосилдорлик ошиб, эконоимикаси мустақкам-ланиб бораётгани, колхозчилар-нинг даромади йилдан йилга ошётганлиги туфайли содир бўлмоқда. Маълумки, 1962 йл-да пахта ҳосилдорлиги 14 цент-нер эди. Ҳозир 29 центнерга кўтарилди.

Колхозимиз аъзолари Устав лойиҳасини яқдиллик билан маъқуладилар ва бу йилги йи-ғилишда, колхозимиз аъзолари план бўйича 2700 тонна ўрнига 3300 тонналик хирмон кўтаришга, шу ҳосилнинг 2500 тоннасини ма-шина билан териб олишга бел-бонлаганлари учун моҳир ме-ханизаторларимиз терим агре-гатларини тахт қилиб қўйдилар. 36 та пахта, 8 та кўрак, 9 та ерга туқилган пахтани тери-диган машина 30 та прицеп, 3 та кўрак қувийдиган, 1 та пахта ортадиган машина тайёрлаб қўйилди.

Колхозимизда 430 теримчи бор. Улар биринчи бўлиб кўл теримига ақратилган пайкаллар-да ишни бошлаб юборди.

Илгор звенолар юбилей йил-да фидокорона меҳнат қилди-лар ва юқори ҳосил етиштири-дилар. 90 сантиметр кенликда-нинг экинни ўсган Исроилов а-веноси 26 ўрнига 35 центнер-дан ҳосил йиғиб олиш учун ҳа-ракат қилляпти. Султон Мирза-каримов, Аликул Умрзоков, Раҳмат Арслонов сингари илгор звенолар ҳам бардам, юқори ҳо-силликда Исроиловдан қолши-майди. Буларнинг ҳаммаси зве-но бошлиғи, ҳам меҳаник-ҳай-довчи. Улар машинада пахта те-ришини интизорлик билан ку-тишмоқда.

Биз ҳам кўплар қатори гўза баргини тўкиш учун дефолна-цияни бошлаб юбордик. Бутун диққат эътиборимиз пахта йи-гим-теримини уюшқонлик билан ўтказишга, юбилей йилини гала-ба билан яқуллашга қаратилган. Азамат колхозчиларимиз, моҳир меҳанизаторларимиз, чевар те-римчиларимиз ўз сўзларининг устидан чиқади. Бунга сира шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Эргаш НИЕЗОВ,  
Оққўрғон районидаги Куй-бишев номли колхоз раиси.

## БИР КУНДА ОЛТИ ПРОЦЕНТДАН

ОҚЎРҒОН. (Ўз мухбирими-дан). Райондаги Киров номли колхоз аъзолари ҳозиргача ка-нон тайёрлаш панини бажариш учун зўр бериб келаятган эди-лар. Улар 6600 тонна кано-н тайёрлаб, бу соҳадаги панини 106 процент қилиб ошириб адо-этдилар. Ҳар гектар ерда-олинган ҳосил 146 центнердан-га кўтаришди. Улар энди яна 2500 тонна кано-н етказиб бе-риш, пахта тайёрлаш панини қизғин юбориш учун астойдил-ниша кўришиб кетдилар.

550 гектар пахта майдонига эга бўлган бу колхоз аъзолари юбилей йилида гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олиш-учун бел бонлаганлар. Ҳозир дала-ларда терим қилди. Ҳозир йил-дан-йилга 18 та пахта териш-машинаси тилимсиз ишлаб ту-рибди. Бу терим машиналари билан ҳар куни йиллик пани-нинг 5—6 процентини миқдорда пахта териб хирмонга туқил-моқда.

— Биз, — дейди колхоз ра-иси Нуртали Қарнақов, — йиллик пахта тайёрлаш панини 15 октябрга, социалистик мажбуриятни аса 25 октябрга бажариш учун аҳд қилганимиз. Ҳозир бор имкониятларимизни ишга солияпмиз. Мақсадимиз қунилик пахта териш суръатини 7—8 процентга етказиш ва ун-дан ҳам оширишдан иборат.

## ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бўстонлиқ районидаги Фрун-зе номли ва «Қозғистон» ССР 30 йиллиги колхозлари саба-бот тошириш йиллик панини муваффақиятли адо этдилар. Фрунзе номли колхоз деҳқонла-ри давлатга пландаги уч минг тонна ўрнига 3013 тонна, «Қо-зғистон» ССР 30 йиллиги кол-хоз аса 1750 тонна ўрнига 1753 тонна сабабот маҳсуло-тлари топширдилар.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан Фрунзе номли колхоз деҳқонлари давлатга 800 тонна, «Қозғистон» ССР 30 йиллиги колхоз деҳқонлари аса 400 тоннадан ортиқ сабабот маҳсу-лотлари етказиб бериш мажбу-риятини ошдилар. Ҳозир колхоз дала-ларида етиштирилган ҳо-силни йиғиб-териб олиш ишла-ри қизғин давом этмоқда.

## КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Свердлов номли театр байрамларидек безати-ган. Бу ерга, колхозчиларнинг область конференциясига донгдор пахтакорлар, чорвадорлар, галлакорлар, саб-завотчилар, боғбонлар ва шоникорлар, лубкорлар ва ипакчилар, колхоз тузумининг ветеранлари, ҳаммаси бўлиб 1500 дан ортиқ киши тўпланишган.

Конференцияни колхоз қурилишининг ветерани, Ка-линин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Гуломмаҳмуд Абдуллаев кириш нутқи сўзлаб очади.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Коми-тети Сиёсий Бюросини зўр кўтаринкилик билан конфе-ренциянинг фахрий президумига сайлайдилар.

Қишлоқ хўжалик артели янги намунали Уставининг лойиҳаси ва область қишлоқ хўжалик ходимлари олди-да турган вазифалар туғрисида доклад қилиш учун сўз об-ласть партия комитетининг биринчи секретари М. А. Аб-дураззоқовга берилди.

Доклад юзасидан музокара-ларда Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли кол-хоз раиси М. Рўзиматов, Калинин районида-ги Охунбобоев номли колхоз комплекс чорвачилик бри-гадасининг бошлиғи М. Юнусова, Янгйўл район партия

комитетининг биринчи секретари А. Алимов, «Ташавто-маш» заводининг мастери У. Турғунбоев, Оққўрғон Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхоз партия ташкилотин-инг секретари В. С. Пак, ёзувчи Ҳамид Гулом, ака-демик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик институтининг директори М. Мирзасев, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси У. Ҳасанова, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг звено бошлиғи С. Гойипова, «Ўзбекистон ССР беш йил-лиги» тажриба хўжалигининг директори З. Махсумов, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг звено бош-лиғи Я. Уроков ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Олий Совети Пре-зидуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалиев нутқ сўз-лади.

Конференция делегатлари қишлоқ хўжалик артели намунали Устави лойиҳасини яқдиллик билан маъқу-лаб, қарор қабул қилдилар.

Колхозчиларнинг Бутуниттифок III съезиди-га ва рес-публика колхозчилари съезиди-га делегатлар сайланди.

(Колхозчиларнинг область конференцияси туғрисидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).



Суратда: колхозчиларнинг область конференцияси залида.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА  
САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING

## АХБОРОТИ

1969 йил 28 сентябрда 112-Ле-нин сайлов округи бўйича ме-хнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов бўлиб ўтди.

Округ бўйича 2999 сайловчи-дан сайловда 2999 киши ёки сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан 100 процент киши қат-нашди.

Депутатликка номзод учун 2999 киши ёки 100 процент аҳо-ли овоз берди.

Шундай қилиб овоз бериш на-тижаси коммунистлар билан пар-тиячилар блокни номзоди учун сайловчиларнинг яқдиллик билан сўз берганликларини кўрсатди.

Ўртоқ Ойил Зуфаров меҳнат-кашлар депутатлари Тошкент об-ласть Советига депутат қилиб сайланди.

Ўртоқ Зуфаров 1929 йилда ту-ғилган. Ўзбек. КПСС аъзоси, ол-ний маълумотли, Ўзбекистон КП Тошкент область комитети партия-ташкили бўлимининг мудри бў-либ ишляпти.

ОКРУГ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ

# 356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА  
30 СЕНТЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи сўз — районлар, иккинчи сўз —  
бир кунда, учинчи сўз — мавсум бошидан  
бери, тўртинчи сўз — бир кунда машинада  
терилгани, бешинчи сўз — мавсум бошидан  
буён машинада терилгани.


|                |      |       |      |      |
|----------------|------|-------|------|------|
| Янгйўл         | 1.93 | 13.55 | 0.76 | 1.11 |
| Орқоникидзе    | 1.43 | 9.71  | —    | —    |
| Бекобод        | 1.06 | 7.96  | 0.11 | 0.55 |
| Ўрта Чирчиқ    | 1.32 | 6.88  | 0.93 | 1.92 |
| Оққўрғон       | 1.95 | 5.64  | 1.79 | 3.81 |
| Бўка           | 0.76 | 3.47  | 0.15 | 0.21 |
| Юқори Чирчиқ   | 0.69 | 1.49  | —    | —    |
| Область бўйича | 1.38 | 7.04  | 0.79 | 1.62 |

## Йонна учун


**N<sup>o</sup> 83**

Назоратчилар механика це-  
хига штамповкалар нима учун

М. ХУСАНОВ,  
«Узбексельмаш» заводи  
халқ контроли группаси-  
нинг аъзоси.



.....



РАТЧИЛАРИМИЗ

паци бор. Жойларда етита пост  
нишлаб турибди. Ҳаммаси бўлиб  
юзга яқин халқ назоратчилари  
бизга кўмаклашмоқдалар. Халқ  
контроли группасининг эса 11  
нишдан иборат бюро аъзолари

А. Ходяков чизган расмлар.

иситиш системаларини тўла р  
мондан чиқариб, синаб қи  
мавсумига шай қилиб қўйиш  
миз керак. Йўқса ўтган йилд  
гидек бу йил ҳам катта қийи  
чиликларга дуч келишим  
мумкин.

область халқ контроли ке  
митети штатсиз ташкили  
бўлими мудирининг ўрниб  
сари.



